



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Ғофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ғолипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Ўктамжон Абдуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР).....	4
2. Собир Абдуназаров ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....	10
3. Валишер Абиров, Исмоиддин Мамаюсупов ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР.....	22
4. Акмал Базарбаев ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР).....	33
5. Ойбек Исаев СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й).....	40
6. Гулмира Каттаева ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ.....	46
7. Nargiza Karimova ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA BA’ZI MASALALAR.....	54
8. Дадахон Норқўзиёв МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	60
9. Мафтуна Рўзикулова МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	64
10. Махмуджон Солиев ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА.....	72
11. Наргиза Ҳасанова ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ.....	76
12. Махпурат Хуббалиева БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁХАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР.....	85

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Махпурат Хамзаевна Хуббалиева,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Хитой сиёсати, тарихи ва иқтисодиёти кафедраси ўқитувчиси

БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР

For citation: Maxpurat Hamzayevna Hubbaliyeva, CENTRAL ASIA IN TRAVELING OF BUDDHIST MONAS: VII - VIII centuries. Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.85-91

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасига ташриф буюрган будда роҳиби Шюань Зангнинг “Да Тан сиёй цзи” асари ва ушбу манбадаги Марказий Осиё тарихига оид бошқа манбаларда эквиваленти бўлмаган маълумотларни таҳлил қилган. Ушбу мақолада илк ўрта асрлар Марказий Осиё тарихининг долзарб муаммоларидан бири ёритилган. Маълумки, илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасига ташриф буюрган будда роҳибларининг саёҳатномалари, уларда келтирилган маълумотлар араб-форс манбаларида ҳали мавжуд бўлмаган ҳамда нисбатан кам ўрганилган даврни ўз ичига олади ва мақола ушбу бўшлиқни тўлдирди. Айниқса, улар орасида Шюань Зангнинг “Да Тан шиюй жи” асари алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан жралиб туради.

Мақолада асардаги маълумотларга асосланган ҳолда, бугунги Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ҳудудлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Жумладан, асарни таҳлил қилган ҳолда ёзилган мазкур мақолада, хитой будда роҳиби ва сайёҳи Шюань Зангнинг Марказий Осиё халқларининг урф – одатлари, турмуш тарзи, кийиниши ҳақидаги хотиралари ва фикр-мулоҳазалари ёритиб берилди. Шунингдек, юртимиздаги баъзи ҳудудларнинг аҳолиси, географик жойлашуви тўғрисида қайдлар ҳам мавжуд. Хитой будда роҳиби Шюань Зангнинг сайёҳати Хитойда Тан сулоласи ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу вақтда Тан сулоласи ва Марказий Осиё ўртасидаги маданий, сиёсий, иқтисодий ҳамда савдо-сотик алоқалари ривожланган бўлиб, мақолада икки давлатнинг дипломатик муносабаларидан намуналар келтирилади. Ушбу мақола ҳозирги кунга қадар нашр этилган илмий ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: будда сайёҳлари, Буюк Тан сулоласи, Марказий Осиё халқлари, Чоч, Темир дарвоза, маҳаллий халқлар маданияти, диний алоқалар, савдо-сотик муносабатлари, кўк чинни идишлар, шаҳарларининг географик жойлашуви, денгиз йўллари.

Махпурат Хамзаевна Хуббалиева,
преподаватель кафедры Политика,
история и экономика Китая
Ташкентского государственного
университета востоковедения

ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ В ПУТЕШЕСТВИЯХ БУДДИЙСКИХ МОНАХ: VII – VIII вв.

АННОТАЦИЯ

В этой статье автор анализирует работу «Да Тан сиюй-цзы» буддийского монаха Сюаньцзана, посетившего регион Центральной Азии в раннем средневековье, и другие источники по истории Центральной Азии в этом источнике. Эта статья посвящена одной из самых актуальных проблем в истории Средней Азии в раннем средневековье. Известно, что сведения о путешествиях буддийских монахов, посетивших центрально-азиатский регион в раннем средневековье, содержащаяся в них информация еще не доступны в арабско-персидских источниках и охватывают относительно темный период, и статья восполняет этот пробел. Среди них выделяется «Да Тан Шиюй Цзи» Сюаньцзана.

Основываясь на информации в работе, статья предоставляет ценную информацию о современных регионах Узбекистана, Таджикистана, Казахстана, Кыргызстана, Афганистана, Пакистана и Индии. В частности, в этой статье анализируются работы и описываются воспоминания и мысли китайского монаха и путешественника Сюань Цзана о обычаях, образе жизни, одежде народов Центральной Азии. Есть также записи о населении и географическом положении некоторых регионов страны. Путешествие китайского буддийского монаха Сюань Цзана восходит к правлению династии Тан в Китае. За это время развивались культурные, политические, экономические и торговые связи между династией Тан и Центральной Азией, и в статье приводятся примеры дипломатических отношений между двумя странами. Эта статья служит дополнительным материалом для научных работ, опубликованных на сегодняшний день.

Ключевые слова: Буддийские путешественники, династия Великий Тан, народы Центральной Азии, Чач, Железные ворота, культура коренных народов, религиозные связи, торговые отношения, голубые фарфоровые сосуды, географическое положение городов, морские маршруты.

Maxpurat Xamzayevna Xubbaliyeva,
Teacher of the Department of Politics, History and Economics of China,
Tashkent state University of Oriental Studies

CENTRAL ASIA IN TRAVELING OF BUDDHIST MONAS: VII - VIII centuries

ABSTRACT

In this article, the author analyzes the work “Da Tang Siyu-tzu” of the Buddhist monk Xuanzan, who visited the Central Asian region in the early Middle Ages, and other sources on the history of Central Asia in this source. This article is devoted to one of the most pressing problems in the history of Central Asia in the early Middle Ages. It is known that information about the travels of Buddhist monks who visited the Central Asian region in the early Middle Ages, the information contained in them is not yet available in Arab-Persian sources and covers a relatively dark period, and the article fills this gap. Among them stands out “Da Tang Shiyu Ji” by Xuanzan.

Based on the information in the work, the article provides valuable information about the modern regions of Uzbekistan, Tajikistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Afghanistan, Pakistan and India. In particular, this article analyzes the work and describes the memories and thoughts of the Chinese monk and traveler Xuan Zang about the customs, lifestyle, clothing of the peoples of Central Asia. There are also records of the population and geographical location of some regions of

the country. The journey of the Chinese Buddhist monk Xuan Zang dates back to the rule of the Tang Dynasty in China. During this time, cultural, political, economic and trade ties between the Tang dynasty and Central Asia developed, and the article provides examples of diplomatic relations between the two countries. This article serves as additional material for scientific papers published to date.

Index Terms: Buddhist travelers, the Great Tang Dynasty, the peoples of Central Asia, Chach, the Iron Gate, indigenous culture, religious ties, trade relations, blue porcelain vessels, the geographical location of cities, sea routes.

1. Долзарблиги:

Хитой давлатчилиқ тараққиётига оид манбаларда Тан сулоласи даври алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Ва маълум маънода, ундай фикрлар ўзининг илмий қимматига эга ҳам. Тан сулоласи даврида Хитой билан Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, тарихий муносабатлари ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, ҳозиргача дунё синологлари диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас. Шунингдек, ўрганилган манбаларнинг аксариятида Тан ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Ваҳоланки, уларнинг муносабатларида жамиятда инсон тафаккури ва дунё қарашини такомилда муҳим ўрин тутувчи маданий алоқалар тадқиқот нуқтаи-назардан деярли ўрганилмаган. Ушбу жиҳатлар илмий қиммат касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тан сулоласи давридаги маданий алоқалар ҳақида Европа, рус ва ўзбек адабиётларидаги кўплаб таржималарда алоҳида қайдлар мавжуд. Хусусан, ўзбек олимларидан т.ф.д. А.Ходжаев “Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар” [1], т.ф.д., профессор Н.Э.Каримованинг “Сочинение Хуэй Чао как источник по истории Индии первой половины VIII в.” [2], “Сочинение Хэ Чо «Ван У Теньчжуго Чжуань» - ценный источник по истории Южной и Центральной Азии” [3], Америкада Селли Ховей Вриггинсинг “Шюань Занг билан Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат” [4], Россияда Н.В.Александрованинг “Буюк Тан сулоласи даврида Ғарбий мамлакатлари ҳақидаги хотиралар” [5] каби тадқиқотларида роҳиб Шюань Занг ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, Тан сулоласи даврига оид “Да Тан ши юй жи” (ўзбек тилида “Буюк Тан (давридаги) Ғарбий мамлакатлар хотиралари”) номли хитой тилидаги манбадан Марказий Осиёга ташриф буюрган будда сайёҳлари тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўлиш мумкин. Юқорида келтирилган илмий тадқиқотларда Тан даври ички ва ташқи сиёсати ҳам кенг кўламда ўрганилган. Мазкур тадқиқотлар назарий томондан ушбу мақоланинг методологиясини аниқлаб олишда асос бўлиб хизмат қилди.

Хитой тарихида сулоланинг Буюк Тан сулоласи деб номланиши ҳам бежизга эмас. Чунки бу сулола даврида, яъни 618-907 йилларда Хитой ички ва ташқи сиёсатда бир қатор муваффақиятларга эришилади. Жумладан, сулола тарихини ўрганиш жарёнида Марказий Осиё билан иқтисодий, маданий алоқалар ҳам ривожланганлигига гувоҳи бўламиз. Бу даврда Хитой иқтисодиёти равнақ топган, гуллаб яшнаган. Тан сулоласи даврида кўк чинни идишлар Буюк ипак йўли ва денгиз йўллари орқали хорижга, жумладан Марказий Осиё давлатларига ҳам кўп миқдорда экспорт қилинган [6].

Тан сулоласи даврида Хитойнинг бошқа давлатлар билан диний, маданий алоқаларида будда роҳибларининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Хусусан, буддавийлик динини мукамал ўрганишни мақсад қилган роҳиблар Хитойдан Ҳиндистонга мазкур диннинг асл моҳиятини ўрганиш мақсадида сафарга отланган бўлса, кўплаб будда руҳонийлари қайсидир маънода Ғарб мамлакатлари юзасидан Хитой ҳукумати учун расмий стратегик ахборот тайёрлашни мақсад қилиб олган эдилар.

Шунингдек, Тан ҳукумати томонидан Ғарбий мамлакатларга расмий элчилар ҳам юборилган бўлиб, улар борган худудлари ҳақида тўлиқ маълумотларни аниқлаш, савдо-сотик ва дипломатик муносабатларни таъминлаш вазифасини бажаришган. Ғарбий

мамлакатлардаги савдо-сотик муносабатлари Хитой савдогарларига мевалар, қимматбаҳо Марказий Осиё отларига эгалик қилиш билан биргаликда маҳаллий халқнинг маданиятини ўрганиш учун жуда муҳим аҳамият касб этган.

3. Тадқиқот натижалари:

Хитой ташқи сиёсатида Ғарбий мамлакатларга қизиқишининг яна бир сабаби, бу буддизм ўчоғи бўлган Ҳиндистонга айнан ғарб орқали бориш эди. Мазкур сабаблар туфайли Ғарбий мамлакатларга бўлган қизиқиш янада ортади. Хитойда буддизм ибодатхоналарининг ривожланиши учун маълум шароитлар яъни будда роҳибларининг кенг қатлами ва уларнинг жонкуярлиги талаб қилинарди. Буддизмга оид матнларга бўлган эҳтиёжни ортиши эса ғарбий ўлкалар орқали Ҳиндистонга боришни янада тезлаштирди. Хитой будда сайёҳларининг Ҳиндистонга саёҳати давомидаги хотираларида Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар учрайди. Тан сулоласи даврида Шюань Занг [7] ўзининг 629 йилда бошланган Ҳиндистонга саёҳати давомида Ғарбий мамлакатлари, хусусан Марказий Осиё ҳақида бир қанча маълумотлар ёзиб қолдиради. А.Ходжаевнинг “Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар” номли китобида Шюань Зангнинг Ғарбий мамлакатларга қилган саёҳати ҳақидаги фикрларига эътибор қаратилса, олим Шюань Зангга Буюк ипак йўлида кўп маротаба юрган бир қария кўмак бергани ҳақида ёзади. Тан давлати чегарасидан ўтгандан сўнг Шюань Занг Турк хоқонлиги таъсири остидаги йўллар орқали давом этади. Иссиққўлдан ўтгандан сўнг Суйе [8] шаҳрига борганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

А.Ходжаев Хитой сайёҳини Суйе шаҳридан Чоч (Тошкент)га, сўнгра Сирдарё, Самарқанд ва Бухорога келган дея ёзади. Шюань Зангни Бухородан жануб томонга юриб, икки томони баланд қоятош оралиғидаги йўлдан ўтгани ва бу жойни “Теменгуан” яъни “Темир дарвоза” деб атаганини таъкидлайди [9].

Рус тарихчиларидан Н.В.Александрова Шюань Зангнинг “Буюк Тан (давридаги) Ғарбий мамлакатлар хотиралари” номли китобини ўрганиш давомида сайёҳ Шюань Занг айнан буддизм динини чуқур ўрганиш мақсадида Ҳиндистонга йўл олганлигини таъкидлайди. Оқсудан Тошкентгача бўлган йўналиш яъни шарқдан ғарбга қараб 600 ли (345,6 км.), жанубдан шимолга қараб 300 (172,8 км.) ли, бош шаҳар айланасига кўра 5-6 (3,4 км.) ли масофага ҳаракатланган Шюань Занг ери, об-ҳавоси, маҳаллий халқнинг феъл-атвори, урф – одатлари, тиллари Куча (Кучэ ёки Кучар) [10] давлатиникига ўхшашлиги ҳақида ёзиб қолдиради. Бу ерларда ажойиб навли пахта ва жун маҳсулотлари ишлаб чиқарилганлиги ва улар кўшни давлатларда юқори баҳоланганлиги қайд этади. Бу ерда мингга яқинмонахлар яшаган. Шимолдан ғарбга қараб, 300 (172,8 км.) ли юрганда тошли саҳрони кесиб ўтишади.

Музли тоғлар Цунлиндан (Помир тоғи) дан шимолга қараб оқади деб ўз хотираларида ёзиб қолдиради. Н.В.Александрова Шюань Зангни Цунлин (Помир тоғи) борасида маҳаллийлаштиришда хатоликка йўл қўйган деган фикрда. Бу ерда тоғлар қор билан қопланиб, баҳор ва ёзда ҳам муз кўринишида эди. Вақти-вақти билан эриб, яна музга айланиб қоларди. Йўллари юришга хавфли ва шамоллари совуқ бўлиб, нинадек санчиларди. Тоғлар бўйлаб 40 (23 км.) ли дан кўпроқ юргандан сўнг катта тиниқ кўлга келишди. Шюань Занг кўлни ҳаворанг деб таърифлайди ва Жэхай- Иссиққўл ёки Сяньхай – тузли кўл деб атайди. Унинг айланаси 1000 (576 км.) лидан ошиқроқ, у шарқдан ғарбга қараб кенгроқ, жанубдан шимолга қараб торроқ жойлашган бўлиб, ҳамма тарафидан тоғ билан ўралган. Сувнинг ранги ҳаворанг кўк, таъми аччиқ – шўр, катта тўлқинлари ҳисобсиз бўлиб, қирғоқларга урилиб туради. Бу ерда кўп балиқлар озикланади. Бироқ жуда кўрқинчли кўрингани боис, балиқлар кўп бўлишига қарамасдан бу жойда ҳеч ким балиқ овлашни хоҳламасди. Шимолдан ғарбга қараб 500 (288 км.) ли юрганларидан сўнг Суйе дарёси бўйидаги шаҳарга кириб келишади. Бу шаҳар айланасига 5-6 лини ташкил этади. Шу ўринда А.Ходжаевнинг фикрларини эътиборга олсак, олим Суйе шаҳрини тарихий Тарозга ва ҳозирги Тўқмоқ шаҳрининг ўрнида жойлашганлигини таъкидлайди.

Бу ерда ҳар хил шаҳардан келган савдогарлар яшарди. Ерлар асосан узум етиштиришга мослаштирилган эди. Ўрмонларнинг ҳавоси жуда совуқ ва шамолли бўлиб,

одамлар иссиқ юнгли кийимларда юришарди. Суйе шаҳридан ғарбга қараб бир нечта ўнлаб шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида биттадан оқсоқол бўлган. Улар бир бирига боғлиқ бўлмасда, бироқ хаммаси Турк хоқонлигига қарам эди. Суйе шаҳридан Кешания подшолигига (Кеш, Шаҳрисабз) [11] бўлган шаҳар Сули [12] деб номланган. Унинг аҳолиси ҳам шу ном билан аталган. Ёзуви ва тили ҳам уларникига ўхшаш бўлган. Тилдаги белгилари унчалик кўп эмас. Жаъми ўттизтани ташкил қилган бўлиб, улардан сўзлар тузилган, матнлар ёзилган ва авлоддан авлодга ўтиб келган.

Аҳолининг кийимлари асосан ички қисми юпка жунг матолардан, ташқи қисми эса қалин пўстиндан иборат бўлган. Пастки қисм кийимлар тор ва калта кўринишда бўлган. Сочларини қириб олиб, пешоналарини ипак боғичлар билан ўраб олишган. Ота-она ва болалар кўпроқ фойдани ўйлашади. Уларда бойлик қанча кўп бўлса шунча билимли, олийжаноб бўлади деб фикрлашади. Суйе шаҳридан 400 (230,4 км.) ли ғарбга юрганда Цянцюаньга етиб келишди. Майдони 200 (115,2 км.) ли ни ташкил қилади. Жануб томондан қорли тоғлар қолган уч томони чўлдан иборат. Ерлари нам, ўрмонлари қалин, баҳорда хилма-хил гуллар очилади. Бу ерда кўплаб қўллар мавжудлиги учун “Минг калит”, “Мингбулоқ” [13] (Қозоғистон Республикаси Туркистон вилоятидаги қишлоқ) номини олган. Туцзюэ [14] хоқони ҳар йили бу ерга жазирамадан сақланиш ташриф буюради.

Ушбу худудда кийиклар кўп бўлиб, одамларга жуда ўрганган. Улар одамлардан кўркмайди ва қочмайди. Бироқ уларни овлашга рухсат берилмаган. Ким ўлдирса жазоланган. Шунинг учун кийиклар подаси ҳимоя қилинган. Цянцюаньдан ғарбга қараб 140-150 ли юрилса Да-ло-си шаҳрига келишади. Бу шаҳарни Талас [15] деган фикрга келади Н.В.Александрова. Шаҳар айланаси 8-9 ли. У ерда савдогарлар ва сўғдлар аралаш истикомат қилишади. Ери ва об-ҳавоси худди Суйе шаҳри каби.

Тахминан бу шаҳардан 10 ли жанубга юрилса, аҳолиси 300 (172,8 км.) саройдан ошмаган битталиқ шаҳарча бор. Бу одамлар ўнта хонликдан иборат. Улар ҳеч қачон асир тушишмаган. Уларнинг тили, урф-одатлари, қонунлари хитойликларникига ўхшаган. Жанубий ғарбга қараб 200 (115,2 км.) ли юрилса, Оқ дарё (хитойча Бай-шуй) даги шаҳарга келади. Н.В.Александрова “Буюк Тан (давридаги) Ғарбий мамлакатлар хотиралари” номли китобида роҳибни бу жой борасида шаҳар бўйидаги дарёни назарда тутганлигини таъкидлайди. Ҳамда Оқ дарёни Арис [16] дарёсининг ирмоғи деб ҳисоблайди.

Бу шаҳарнинг айланаси 6-7 ли атрофида. Да-ло-сига нисбатан ер ва об-ҳавоси анча яхши дея таърифланади. Шу ердан жануби ғарбга қараб 200 (115,2 км.) ли юриб, Гун-юй шаҳрига келади. Гун-юй шаҳрини Н.В.Александрова Орхун битикларидаги Кангюй [17]га мос келиши мумкин деган фикрда. Кангюй шаҳрини жойлашуви бўйича тарихчилар икки хил фикрни билдирашади. Яъни, биринчи фикрни С.П.Толстов куйидагича изоҳлайди: “Кангюй шарқда Фарғона (Даван – Фарғона водийсидаги қадимий давлат) [18] га қадар, жанубда Парфия ва Бактрия билан чегарадош, ғарбда Бухоро ва Хоразмни ўз ичига олади”. Бу масалада А.Н.Бернштам фарқли ўлароқ Кангюй шаҳрининг шарқий чегараси Талас дарёси бўйдан ўтган деб ҳисоблайди.

Сайёх Шюань Занг шаҳар айланасини 5-7 ли ни ташкил қилганлигини ёзади. Ерлари унумдор ва хосилдор бўлиб, ўрмонлари қалин дея таъриф беради Шюань Занг. Н.В.Александрова бу ердан жанубга қараб юрган сайёхни Нучицзянь подшолигига [19] етиб келганлигини таъкидлайди. Унинг айланаси 1000 (576 км.) ли ни ташкил этади. Ерлари нам ва хосилдор. Жуда кўп мевали дарахтлар, гуллар борлиги ҳақида хотираларига ёзиб қолдиради. Айниқса, бу ерларда узум юқори баҳоланганлиги қайд этилади. Юзлаб шаҳарлар, ҳар бирида алоҳида ҳокимиятнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар бор. Улар бир бирига қарам эмас, лекин умумий қилиб Нучицзянь подшолиги яъни Нуджикент деб аталади. Сайёх бу ердан ғарбга 200 (115,2 км.) ли юриб, Чже Ши яъни Тошкентга келади. Тошкентдан сўнг сайёх Самарқандга, Термизга боради ва Афғонистоннинг шимолий вилоятларида бўлади. Сўнг Ҳиндиқуш тоғлари орқали Ҳиндистонга йўл олади.

4. Хулоса:

Мақолла юзасидан куйидагиларни хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлидир: Биринчидан, Шюань Занг йўл давомида кўрган кечирганларини ўз эсдаликларида ёзиб қолдиради. Бу эса бизга Марказий Осиё давлатларининг илк ўрта асрлардаги тарихини, яъни турмуш тарзи, дини ва урф-одатларини ўрганишимизда асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Иккинчидан, Буюк Тан сулоласи ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё ва Хитойнинг ўзаро ижтимоий – иқтисодий, маданий муносабатларини ҳар иккала мамлакат учун аҳамиятини хитой, инглиз ва рус манбалари орқали таҳлил қилиш ва ўрганиш жуда муҳимдир.

Учинчидан, Марказий Осиё ҳудуди ва шаҳарларининг географик жойлашуви тўғрисида тарихий маълумотларни янада кўпроқ эгаллашамиз мақсадга мувоқиқдир.

Тўртинчидан, Хитой будда роҳибининг Марказий Осиё ҳақидаги фикр – мулоҳазаларини ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Сайёҳ ва роҳиб Шюань Зангнинг сайёҳати давомидаги ёзган хотиралари кўхна тарихимизни ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

- [1] Ходжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. (Ходжаев А. The Great Silk Road: Relationships and Destinies. Tashkent, 2007.)
- [2] Каримова Н.Э. Сочинение ХуэйЧао как источник по истории Индии первой половины VIIIв. Ўзбекистон –Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожини мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 17 ноябрь, 2018. – Тошкент,312-317 с. (Karimova N.E. The composition of Hui Chao as a source on the history of India in the first half of the 8th century. Proceedings of the international scientific-practical conference on the development of Uzbek-Chinese historical, cultural, scientific and economic ties. November 17, 2018. Tashkent.312-317 p.)
- [3] Каримова Н.Э. Сочинение Хэ Чо «Ван У Теньчжуго Чжуань» -ценный источник по истории Южной и Центральной Азии. Общественные науки в Узбекистане. № 1-2/2018. 86-92 с. (Karimova N.E. Hae Cho's "Wang Wu Tenzhuzhu Zhuan" is a valuable source on the history of South and Central Asia. Social sciences in Uzbekistan. No. 1-2 / 2018. 86-92 p.)
- [4] Wriggins, Sally (27 November 2003). The Silk Road Journey with Xuanzang (1ed.) Washington DC: Westrew press (Penguin).
- [5] Александрова Н.В. Сюань Цзан. Записки о западных странах (эпохи) Великой Тан (Да Тан Си Юй Цзи). Восточная литература, 2012. (Xuan Zang. Notes on the Western countries (era) of Great Tang (Da Tang Xi Yu Ji). Oriental literature, 2012.)
- [6] Ходжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007.193 – б. (Ходжаев А. The Great Silk Road: Relationships and Destinies. Tashkent, 2007.)
- [7] Халқ орасида Танг Синг яъни Тан сулоласи давридаги роҳиб деб ҳам аталади.
- [8] Ғарбий Турк хоқонлигининг маркази бўлиб, VI-VIII асрларда Буюк ипак йўлидаги йирик шаҳар сифатида шаклланган.
- [9] Ходжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 164 б. (Ходжаев А. The Great Silk Road: Relationships and Destinies. Tashkent, 2007.)
- [10] Такламакон саҳросининг шимолий чеккасида, Буюк Ипак йўлининг шимолий йўли орқали Қорашар ва ғарбдан Аксу оралиғида жойлашган қадимги буддизм давлати. Ҳозирги Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном вилоятининг Аксу туманидаги воҳа.
- [11] Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. 2-е изд. — М., 1972. (Gafurov B.G. Tajiks: the most ancient, ancient and medieval history. 2nd ed. - М., 1972.)
- [12] Сўғдларнинг қадимий номланиши
- [13] Байпаков К.М. Западно тюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город [Текст] /К.М.Байпаков // Известия НАН РК. Серия общественных наук. – 2009. Ст.105-146. (Baipakov K.M. West Turkic and Turgesh Khaganates: Türks and Sogdians, steppe and city [Text] /К.М. Baipakov // Izvestiya NAS RK. Series of social sciences. - 2009. St. 105-146.)

- [14] Турк атамаси. Тужюэ -қадимги талаффузда тиек, тиеклэ, ту-квет деб ўқилган.
- [15] Қозоғистондаги Тараз шаҳри .
- [16] Қозоғистон жанубидаги дарё.
- [17] Талас дарёси ва Чу дарёсининг қуйи оқими ўргасидаги ҳудудни эгаллайди, жанубда Шаш вилоятига ва шимолда Сирдарёнинг қуйи қисмигача бўлган ҳудуд.
- [18] Ходжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 148 б. (Ходжаев А. The Great Silk Road: Relationships and Destinies. Tashkent, 2007.)
- [19] Ҳозирги Шимкент вилояти. (Чимкент)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000